



**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ,  
МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ҚАРОРИ**

**«Қурилишда қўлланиладиган, қора металлдан тайёрланган металл маҳсулотлари  
хавфсизлиги тўғрисида»ги махсус техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Қурилишда қўлланиладиган, қора металлдан тайёрланган металл маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги қарор қилади:

1. «Қурилишда қўлланиладиган, қора металлдан тайёрланган металл маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги махсус техник регламент (кейинги ўринларда техник регламент деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2020 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин ҳамда унга О'з DSt 3212:2017 Давлат стандартига мувофиқ MTR.010:2020 белгиланиш берилсин.

2. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентни амалга киритилиши муносабати билан унда кўрсатилган маҳсулотни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг ихтиёрийлик тусига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси (Ходжикариев), Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси (Хуснуллин), Стандартлар институти (Хамдамов), Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (Аманов), «UzTest» ДУК (Пулатов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда:**

мазкур техник регламент талабларига риоя этилиши таъминланадиган қурилишда қўлланиладиган, қора металлдан тайёрланган металл маҳсулотлари стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхатини;

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини шакллантирсин.

4. «Ўзстандарт» агентлиги (Ходжикариев, Расулов), Департамент (Аманов), Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда тасдиқланган техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Бош директорнинг биринчи ўринбосари Д. Каттаходжаев зиммасига юклатилсин.

Бош директор

 Каттаров